



INSON HUQUQLARI BO'YICHA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MARKAZI

AXBOROT-RESURS MARKAZIGA QABUL QILINGAN YANGI ADABIYOTLAR XABARNOMASI

1-nashr
(2022-yil yanvar-mart)

БЮЛЛЕТЕНЬ НОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ В ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР

1-е издание
(январь-март 2022 год)

BULLETIN OF NEW ARRIVALS TO INFORMATION RESOURCE CENTER

1st edition
(January-March 2022)



**INSON HUQUQLARI BO‘YICHA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI**

**AXBOROT-RESURS MARKAZIGA
QABUL QILINGAN YANGI ADABIYOTLAR
XABARNOMASI**

**1-nashr
(2022-yil yanvar-mart)**

**БЮЛЛЕТЕНЬ НОВЫХ ПОСТУПЛЕНИИ
В ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР**

**1-е издание
(январь-март 2022 года)**

**BULLETIN OF NEW ARRIVALS
TO INFORMATION RESOURCE CENTER**

**1st edition
(January-March 2022)**

TOSHKENT-2022

Mundarija

SO‘Z BOSHI	3
ADABIYOTLARNI SAQLASH SIGLALARI	3
32 SIYOSAT.....	4
325 AHOLI MIGRATSIYASI. MUSTAMLAKA. MUSTAMLAKA MASALASI	6
342 DAVLAT HUQUQI. KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ. MA‘MURIY HUQUQ	8
347 FUQAROLIK HUQUQI. SUD ORGANLARI TUZILISHI	9
DAVRIY NASHLAR.....	10

SO‘Z BOSHI

Yangi adabiyotlar xabarnomasida joriy davr mobaynida Axborot-resurs markaziga kelib tushgan axborot-kutubxona resurslari (kitob, broshyura, davriy nashrlar) to‘g‘risida ma’lumotlar aks ettirilgan.

Xabarnoma ikki qismdan iborat:

1-qism. Siyosiy, tarixiy, falsafiy, qiyosiy, ilmiy kitoblar.

2-qism. Davriy nashrlar.

Xabarnomaga kiritilgan har bir bibliografik ma’lumotlar shifrlar bilan ko‘rsatilgan. Har bir ma’lumot bo‘limlari ko‘rsatilgan holda sistematik (universal o‘nlik klassifikatsiyasiga muvofiq), bir rubrika-umumiy alifbo tartibida joylashtirilgan. Xabarnoma matn va elektron shaklda chiqariladi. Matn shakli Axborot-resurs markazi foydalanuvchilariga, elektron shakli Markaz saytiga taqdim etiladi.

ПРЕДИСЛОВИЕ

Бюллетень новых поступлений включает описание информационно-библиотечных ресурсов (книг, брошюр, периодических изданий), поступивших в Информационно-ресурсный центр за текущий период.

Бюллетень состоит из двух частей:

Часть 1. Учебники, книги, брошюры.


Часть 2. Периодические издания.

В данном информационном издании библиографические записи документов включают шифр. Материал в бюллетене располагается в систематическом порядке с выделением отраслевых отделов (в соответствии с универсальной десятичной классификацией), в пределах одной рубрики - общий алфавитный ряд. Бюллетень выпускается в печатном и электронном варианте. Для пользователей печатный вариант представлен в Информационно-ресурсном центре, а электронный вариант выпуска - на сайте Центра.

ADABIYOTLARNI SAQLASH SIGLALARI СИГЛЫ ХРАНЕНИЯ ЛИТЕРАТУРЫ

Sigla nomi Сиглы	Siglalar to‘liq nomi Расшифровка сиглов
SF	Saqlash fondi
XP	Отдел хранение

SIYOSAT ПОЛИТИКА.



32

M 63

Мирзиёев, Шавкат Миромонович.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси: монография / Шавкат Миромонович Мирзиёев. – Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: O‘zbekiston, 2022. – 440 б.

СФ – 2 нусха.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу китобда бугунги кунда юртимизда Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишлари, мамлакатимизнинг замонавий демократик қиёфаси қандай яратилаётгани, давлатимизни янги ривожланиш босқичига кўтариш учун белгилаб олинган стратегик йўл, миллий тараққиётимиз истикболлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президента сайловида халқимиз фаол иштирок этиб, ўзининг юксак сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини намоён этди. Сайлов натижалари мамлакатимизнинг мустақил, суверен ривожланиш ва демократик ислохотлар йўлидан дадил илгари бораётгани, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эл-юртимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор тасдиқлади. Китобнинг ушбу нашрида сайловолди учрашувлари пайтида халқ билан мулоқот жараёнида ўртага ташланган муҳим фикр-мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар, бугунги тараққиётимиз ва истикбол режаларига оид хулосалар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур китоб халқимизни Янги Ўзбекистон ғояси атрофида янада жипслаштириб, бу йўлда олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этишга хизмат қилади, деб ишонамиз.



32

M 74

Mirziyoyev Shavkat Miromonovich

Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi: monografiya / Shavkat Miromonovich Mirziyoyev. – To‘ldirilgan ikkinchi nashr. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022. – 416 b.

SF – 6 nusxa.

E’tiboringizga havola qilinayotgan ushbu kitobda bugungi kunda yurtimizda Yangi O‘zbekistonni va Uchinchi Renessans poydevorini barpo etish borasida amalga oshirilayotgan tub o‘zgarish va islohotlarning maqsadi, mazmun-mohiyati hamda ustuvor yo‘nalishlari, mamlakatimizning zamo-naviy demokratik qiyofasi qanday yaratilayotgani,

davlatimizni yangi rivojlanish bosqichiga ko'tarish uchun belgilab olingan strategik yo'l, milliy taraqqiyotimiz istiqbollari haqida atroflicha fikr yuritiladi.

2021-yil 24-oktabrda bo'lib o'tgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovida xalqimiz faol ishtirok etib, o'zining yuksak siyosiy-huquqiy ongi va madaniyatini namoyon etdi. Saylov natijalari mamlakatimizning mustaqil, suveren rivojlanish va demokratik islohotlar yolidan dadil ilgari borayotgani, Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi el-yurtimiz tomonidan keng qollab-quwatlanayotganini yana bir bor tasdiqladi.

Kitobning ushbu nashrida saylovoldi uchrashuvlari paytida xalq bilan muloqot jarayonida o'rta tashlangan muhim fikr-mulohazalar, taklif va tashabbuslar, bugungi taraqqiyotimiz va istiqbol rejalariga oid xulosalar ham o'z aksini topgan.

Mazkur kitob xalqimizni Yangi O'zbekiston g'oyasi atrofida yanada jipslashtirib, bu yo'lda oldimizda turgan ulkan vazifalarni bajarishga safarbar etishga xizmat qiladi, deb ishonamiz.



323

C 14

Саидов, Акмал Холматович.

Инсон кадри учун: юридик публицистика / А.Х. Саидов; Масъул муҳаррир: М. Тиллабаев. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 280 б. SF – 2 nusxa.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида демократик янгиланишлар йўлидан дадил одимлаётган Янги Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимизни рози қилиш, инсон кадрини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган шиддатли ва тизимли ислохотларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳам шу каби эзгу ишларни амалга оширишга қамарбасталик қилиб келмоқда. 2021 йил 31 октябрь куни Миллий марказ ташкил этилганига 25 йил тўлди. Қўлингиздаги китоб шу санага бағишланган.

Кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

**ANOLI MIGRATSIYASI. MUSTAMLAKA. MUSTAMLAKA MASALASI.
МИГРАЦИЯ НАСЕЛЕНИЯ. КОЛОНИЗАЦИЯ. КОЛОНИАЛЬНЫЙ ВОПРОС.**



325

И 87

Исоков, Лукмонжон.

Миграция ҳуқуқига кириш: ўқув қўлланма / Л. Исоков; Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: А.Х. Саидов; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. – Тошкент: Lesson press, 2021. – 400 б. СФ – 4 нусха.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистонда янги шаклланаётган миграция ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унда миграция ҳуқуқи тушунчаси ва унинг миллий ҳуқуқий тизимда тутган ўрни, предмета, вазифаси ва манбалари, миграция таснифи ва мигрантлар тоифалари, миграция соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари, субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати каби масалалар ҳақида сўз боради. Шунингдек, ушбу ўқув қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Миграция кодекси лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси, миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан айрим намуналар, жумладан, БМТнинг “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича” конвенциясининг ўзбек тилидаги илк таржимаси ҳамда “Миграция ҳуқуқи” бўйича намунавий ўқув дастури илова қилинган.

“Миграция ҳуқуқига кириш” ўқув қўлланмаси юридик олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, талабалар, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар ҳамда юриспруденция соҳасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.



325.1

И 87

Исоков, Лукмонжон.

Миграция ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Л. Исоков; Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: А.Х. Саидов; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. - Тошкент: Lesson press, 2022. - 320 б. СФ – 4 нусха.

Миграция турли фанларни ўрганиш объекти, фанлараро мавзу сифатида қаралади. Мазкур дарслик миграция ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унда

миграция ҳуқуқи тушунчаси, унинг шаклланиши ва ривожланиши, миллий ҳуқуқий тизимда тутган ўрни, предмети, вазифаси ва манбалари, шунингдек миграцион-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг таснифи ва субъектлари, миграция соҳасидаги давлат бошқаруви ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳақида сўз боради. Дарсликдаги қонунчиликка оид маълумотлар 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра келтирилган.

Миграция ҳуқуқи дарслиги олий юридик таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, талабалар, курсантлар ва тингловчилар, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар ҳамда миграция ҳуқуқи муаммоларига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.



325
Q 10

Qaytish migratsiyasi: xalqaro yondashuvlar va Markaziy Osiyoning mintaqaviy, o'ziga xos xususiyatlari: o'quv qo'llanma / G. T. Alayeva, L.F.Delovarova, A.M.Dinorshoyev [va boshq.]. – Nur-Sulton: Xalqaro migratsiya tashkiloti, 2020. – 236 b. SF – 5 nusxa.

O'quv qo'llanma qaytish migratsiyasi muammosini yaxlit yoritadigan to'rt bo'limdan iborat. Ular mantiqan nazarlyadan amaliyotga asoslangan. “Zamonaviy sharoitlarda qaytish migratsiyasi” deb nomlanuvchi birinchi bo'limda qaytish migratsiyasining nazariy jihatlari, tasnifi va ta'rif, tasnif va ta'riflar, davlatlarning qaytish migratsiyasi dasturlarini amalga oshirish bo'yicha maqsad va vazifalari ko'rib chiqiladi. “Qaytish migratsiyasining huquqiy asoslari” deb nomlanuvchi ikkinchi bo'limda qaytish migratsiyasi xalqaro va mintaqaviy huquqiy hujjatlarda, ixtiyoriy qaytish va reintegratsiya dasturlarining (IQRD) huquqiy asoslari va IQRDning mintaqadagi salohiyati ko'rib chiqiladi. “Markaziy Osiyoda qaytish migratsiyasining shart-sharoitlari va o'ziga xos xususiyatlari” deb nomlanuvchi uchinchi bo'limda demografik va migratsion vaziyatning o'ziga xos xususiyatlari, Markaziy Osiyo mamlakatlarida qaytish migratsiyasining sabablari va tendensiyalari ochib berilgan. Shuningdek, qaytish migratsiyasining iqtisodiy va ijtimoiy-demografik ulushi, qaytib kelgan migrantlarning moslashuvi va reintegratsiyasi masalalari ham yoritib berilgan. Markaziy Osiyo mintaqasi uchun diasporalarning roli hamda ularda qaytish migratsiyasining salohiyati ko'rib chiqilgan. Va nihoyat, “Qaytish migratsiyasini boshqarish va Markaziy Osiyoda IQRKn rivojlantirish” bo'limida mintaqqa mamlakatlarida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish va bandlikni rag'batlantirish strategiyalarida migratsiya siyosati va qaytish migratsiyasini amalga oshirish mexanizmlari yoritiladi. Shuningdek, Markaziy Osiyo mamlakatlarida qaytish migratsiyasi va IQRK dasturlarini rivojlantirishda fuqarolik jamiyati institutlarining roli bayon etiladi.

Ushbu o'quv qo'llanma davlat xizmatchilari va talabalarni davlat boshqaruvi hamda migratsiya siyosati sohasida tayyorlashga o'z hissasini qo'shadi, pirovardida Markaziy Osiyo mamlakatlarining muvaffaqiyatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga va inson salohiyatini shakllantirishga yordam beradi deb umid qilamiz.

**DAVLAT HUQUQI. KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.
ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО. КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО.
АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.**



342.7

I 67

**Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi: 1996-2021. – Toshkent: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2022. – 84 b.
SF – 2 nusxa.**



342.5

M 22

**Mamlakatimizda migratsiya sohasidagi davlat boshqaruvinining dolzarb masalalari: Xalqaro ilmiy nashr / Mas'ul muharrirlar: M. M. Mamasiydikov, L. Isoqov. – Toshkent: Bosh prokuratura Akademiyasi, 2021. – 488 b.
СФ – 5 nusxa.**

Мазкур нашр миграция соҳасидаги давлат бoshқарувининг стратегик жиҳатларини аниқлаш, устувор хусусиятларини тадқиқ, этиш, миграцион қонунчилик ва ташкилий-институционал механизмларнинг ишлаш ҳолатини ўрганиш асосида мавжуд муаммо ва камчиликларнинг бартараф этилиши, миграция жараёнларини самарали тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 18 декабрь куни бўлиб ўтган Мигрантлар халқаро кунига бағишланган “Мамлакатимизда миграция соҳасидаги давлат бoshқарувининг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн конференция материалларидан иборат.

Ушбу тўпламда миллий ва чет эл олий таълим ва илмий тадқиқот институтлари экспертлари, қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, миграция муносабатларини тартибга солиш билан шуғулланувчи идоралар ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, миграция муаммолари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг мақола ва тезислари ўрин олган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

**FUQAROLIK HUQUQLI. SUD ORGANLARI TUZILISHI.
ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. СУДОУСТРОЙСТВО.**



347.471

Ф 94

**Фуқаролик жамияти институтлари ва сайлов
= Collection of materials of the International round
table Civil society institutions and elections = Сборник
материалов международного круглого стола
Институты гражданского общества и выборы:
халқаро давра суҳбати материаллари (2021 йил 21
сентябрь, Тошкент) / Масъул муҳаррир:
А.Х.Саидов; Тузувчилар: М.А.Тиллабаев [ва
бошқ.]. – Тошкент: Baktriya press, 2021. – 208 б.
СФ – 5 нусха.**

Ушбу тўпламга 2021 йил 21 сентябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Фуқаролик жамияти институтлари ва сайлов” мавзусидаги халқаро давра суҳбатида тақдим этилган маърузалар ва тезислар киритилган. Тўпламга маърузалар ва тезислардан ташқари, давра суҳбати натижалари бўйича якуний ҳужжат, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчиликдан кўчирмалар киритилган. Тўплам кенг доирадаги амалиётчи мутахассислар ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институти Илмий кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган. ОАК Раёсатининг 2021 йил 9 сентябрдаги 305-сон қарори асосида мазкур халқаро давра суҳбати илмий тўпламида чоп этилган материаллар тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик, педагогика, психология, социология, сиёсат ва исломшунослик фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий ва халқаро илмий мақолаларга тенглаштирилди.


DAVRIY NASHLAR ПЕРИОДИЧЕСКИЕ ИЗДАНИЯ



“Demokratlashtirish va inson huquqlari” jurnali.

Ilmiy-ma’rifiy jurnal – demokratik islohotlarni chuqurlashtirish, O‘zbekistonda inson huquqlari himoya qilinishini ta’minlash, insonlar ongiga demokratik qadriyatlarni singdirish, davlat va jamoat tashkilotlarining inson huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga doir faoliyatini yoritish masalalariga bag‘ishlangan.

Davriyligi: har chorak (bir yilda 4 ta son).



“Jahon adabiyoti” jurnali.

Jahon adabiyoti – adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitistik jurnal. Unda jahon adabiyotidagi istiqolol mafkurasiga moye vatanparvarlik, insonparvarlik kabi yuksak g‘oyalarni ulug‘lovchi, turli millatlarning serqirra qayotini teran obrazlarda aks ettiruvchi badiiy barkamol asarlar o‘zbek tilida chop qilinadi.

Davriyligi: har oy (bir yilda 12 ta son).



“Kadrlar masalalari bo‘yicha ma’lumotnoma // Справочник по кадровым вопросам” jurnali.

Kadrlar hisobi, mehnat huquqi va xodimlarni boshqarish muammolari va masalalariga bag‘ishlangan amaliy va uslubiy tushdagi davriy nashr. Jurnal turli mulkchilik shakllaridagi korxonalar, muassasalar va tashkilotlar rahbarlari va kadrlar xizmati xodimlari, kadrlar agentliklari rahbarlari hamda xodimlarni boshqarish bo‘yicha mutaxassislariga moljallangan.

Davriyligi: har oy (bir yilda 12 nusxa, son).



“Soliq solish va buxgalteriya hisobi // Налогообложение и бухгалтерский учет” jurnali.

Hisobchi va soliq solish sohasi mutaxassislari uchun kasbiy jurnal. Har sonda - budjet va tijorat tashkilotlari uchun buxgalteriya va soliq solish hisobi, hisob-kitoblarda va hisobotlar tuzishda barcha korxonalarga amaliy yordam, jurnalxonlar savollariga javoblar berilib boriladi.

Davriyligi: har oy (bir yilda 12 nusxa, son).



“Sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish // Организация и управление здравоохранением” jurnali.

Sog'diqni saqlash va davolash-profilaktika muassasalarini boshqarish tizimida samarali menejment masalalariga bag'ishlangan har oylik davriy nashr. Nashr rus va O'zbek tillarida chiqadi. Jurnal sog'diqni saqlashni boshqarish organlari rahbarlari va xodimlariga, DPM ma'muriy-boshqamv xodimlariga baghshlangan.


Davriyligi: har oy (bir yilda 12 nusxa. son).



Хидоят Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри.

“Хидоят” – ойлик диний-ижтимоий, илмий-адабий журнал. Журналда Қуръон оятларининг тафсирлари, ҳадиси шариф шарҳлари, ибодат ва кундалик турмушга оид турли масалалар, илм эгаллаш, оила ва фарзандлар тарбияси, масжид ва мадрасалар ҳаёти, маънавий мерос ва тарихий қадриятларни ўрганишга оид мавзулар, дунё мусулмонлари ҳаётидаги янгиликлар, хабарлар ёритилади. “Ақида“, “Зарурий фикҳ“, “Маънавиятимиз меъморлари“, “Қуръон қиссалари“, “Рамз ва руҳият“, “Ҳадис илми“, “Саодат асрига саёҳат“, “Имомларимиз“, “Илм масканларида“, “Тиббиёт бурчаги“ каби рукнлари бор.

Даврийлиги: ҳар ой (бир йилда 12 та сон).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси // Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Даврийлиги: ҳар ой (бир йилда 12 та сон).



Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами.

Даврийлиги: ҳар ой (бир йилда 12 та сон).




Журнал «Экономическое обозрение».

Журнал "Экономическое обозрение" является аналитическим деловым изданием. В журнале на постоянной основе публикуются аналитические статьи по вопросам экономического развития Узбекистана, Центральной Азии, мира. Рассматриваются различные аспекты геополитики во взаимосвязи с экономикой Узбекистана, Центральной Азии. Кроме этого, печатаются статьи на основе результатов обследований товарных рынков Узбекистана и Центральной Азии.

Экономическое обозрение - уникальное издание в сфере деловой аналитической журналистики по Узбекистану и Центральной Азии.

Периодичность издания – 1 раз в месяц



Журнал «Государство и право».

Журнал «Государство и право» посвящён исследованию актуальных теоретических и практических проблем правоведения России и других стран. Журнал публикует научные статьи по всему спектру юриспруденции, криминологии и философии права, а также научные сообщения, обзоры научных мероприятий, книжные рецензии и персоналии.

Периодичность издания – 1 раз в месяц.



Журнал «Бюллетень Европейского Суда по правам человека».

Бюллетень Европейского Суда - базовый научно-аналитический журнал, посвященный праву Совета Европы и его важнейшей составляющей – практике Европейского Суда по правам человека. В издании публикуются ежемесячные обзоры прецедентной практики ЕСПЧ, документы Министерства юстиции Российской Федерации, касающиеся взаимодействия с Европейским Судом по правам человека, переводы на русский язык полных текстов постановлений и решений, принятых по жалобам против Российской Федерации, и наиболее значимых постановлений и решений

Европейского Суда по жалобам против других государств – участников Европейской Конвенции о правах человека, а также официальные документы структур Совета Европы (рекомендации Комитета министров, планы и отчеты по исполнению решений ЕСПЧ в отношении Российской Федерации) и другие материалы, представляющие практический интерес для российских правоприменителей. Журнал издается с 2002 года.

Периодичность издания – 1 раз в месяц.



Журнал «Журнал российского права».

Журнал российского права выходит с 1997 года и занимает прочные позиции в ряду ведущих правовых изданий страны. Основные цели Журнала – поиск взвешенных решений в области законотворчества, государственного управления, правового регулирования, правоприменительной практики, а также обеспечение преемственности фундаментальной научной мысли. Общая концепция Журнала отражает характер, уровень и разнообразие отечественных доктринальных изысканий, основные тенденции развития отдельных отраслей

законодательства, российский опыт, послуживший отправной точкой для синтеза новых идей и открытий в области юридической науки.

Периодичность издания – 1 раз в месяц.



Журнал «Международное публичное и частное право».

Научно-практическое и информационное издание. Издаётся с 2001 года. Журнал рекомендуется Высшей аттестационной комиссией при Министерстве науки и высшего образования Российской Федерации для публикаций основных результатов диссертаций на соискание ученой степени кандидата и доктора наук. Международные договоры, международное торговое право, международный коммерческий арбитражный процесс, иностранные инвестиции, внешнеэкономические сделки, отдельные виды договоров, дипломатическое и консульское право, международное

экономическое право, международно-правовые механизмы разрешения международных споров.

Теория международного права; Соотношение международного и внутригосударственного права; Международные организации; Европейское право и право ЕС; Сравнительное правоведение; Права человека в международном праве.

Периодичность издания – 1 раз в 2 месяц.

**INSON HUQUQLARI BO‘YICHA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI**

**AXBOROT-RESURS MARKAZIGA
QABUL QILINGAN YANGI ADABIYOTLAR
XABARNOMASI**

**1-nashr
(2022-yil yanvar-mart)**

**БЮЛЛЕТЕНЬ НОВЫХ ПОСТУПЛЕНИИ
В ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР**

**1-е издание
(январь-март 2022 года)**

**BULLETIN OF NEW ARRIVALS
TO INFORMATION RESOURCE CENTER**

**1st edition
(January-March 2022)**

**Nashr uchun javobgar: K.K. Olimova
Tuzuvchi: M.S. Talipova**